

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 11



ТОШКЕНТ-2023

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайжон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариш давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети

1. Рахбархон Муртазаева OLIY TA'LIMNI GUMANIZATSIYA VA GUMANITARIZATSIYALASH: "OLTIN O'RTALIQ"NI IZLASH.....	4
2. Oygul Alshykenova QOZOG'ISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH TIZIMNINING SHAKLLANISH VA RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI: TARIX VA FAKTLAR.....	11
3. Aziza Aminova QUYI ZARAFSHON VOHASI IQTISODIY TARAQQIYOTINING O'RGANISH XUSUSIYATLARI.....	18
4. Бехзод Исабеков ТУНКАТ-ИМЛОҚ КЎХНА ШАҲАР ХАРОБАСИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	25
5. Jasurbek Karimjonov MUSTAQIL O'ZBEKISTONDA YOSHLARNI MUKOFOTLASH TIZIMINING SHAKLLANISHI.....	30
6. Қодиржон Нажмиддинов НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ ВИЛОЯТ ШИФОХОНАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ.....	35
7. Нихола Нарзуллаева МУЛЛО САЙИД АҲРОР МАҲДУМНИНГ ЎЛЧОВГА ОИД РИСОЛАСИ.....	41
8. Умирилло Ортиқов ЕТТИСУВ ВИЛОЯТИГА МЕТРОПОЛИЯДАН КЎЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА ТУРМУШИ.....	45
9. Jurabek Polvonov МАНАЛЛИЙ ТАРИХЧИЛАР АСАРЛАРИ ВА КУНДАЛИКЛАРИДА ХИВА ХОНЛИГИДА НАРБИЙ БОШҚАРУВ ВА МУДОФАА ТИЗИМИ.....	51
10. Abdilatip Sarimsokov FARG'ONA VODIYSI O'ZBEKLARINING KUZ FASLIDA O'TKAZILGAN TAQVIMIY URF-ODAT VA MAROSIMLARI.....	59
11. Mahfuzaxon Shamsiyeva MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN O'ZARO HAMKORLIKNING YANGI BOSQICHI.....	65
12. Saida Hakimova RUS TADQIQOTCHILARI TOMONIDAN OROL DENGIZINING O'RGANILISHI (L.BERG EKSPEDITSIYASI MISOLIDA).....	70



Умирилло Мамадиёрович Ортиқов,
СамДЧТИ академик лицейи тарих фани ўқитувчиси

ЕТТИСУВ ВИЛОЯТИГА МЕТРОПОЛИЯДАН КЎЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН АҲОЛИНИНГ ЖОЙЛАШУВИ ВА ТУРМУШИ

For citation: Umirillo M.Artikov. LOCATION AND LIVING OF THE POPULATION REMOVED FROM THE METROPOLITAN TO ETTISUV REGION. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 11, pp.45-50

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.10157297>

АННОТАЦИЯ

Мақолада чор Россияси ва Туркистон маъмуриятининг мустамлакачилик сиёсати ўлкага рус аҳолини кўчириш сиёсати мисолида таҳлил этилган. Ўрганилаётган даврда ўлкадаги сиёсий, ижтимоий аҳвол ниҳоятда оғир бўлса-да, мустамлака сиёсати маҳаллий иқтисодий имкониятларни Россиянинг манфаатларига янада кўпроқ ва фаолроқ хизмат қилдиришга, империянинг ҳукмронлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилганлиги асосланган. Ўлкага рус аҳолини кўчирилиши натижасида Туркистон иқтисодиётида, шунингдек, солиқ тизимида жиддий ўзгаришлар амалга оширилганлиги ёритилган. Ушбу мақоладаги ишлатилган барча маълумотлар тарихий фактлар ҳисобланиб шу давр ҳақида кўплаб адабиётлардан фойдаланилган мазкур давр тарихига оид терминлар қўлланилади.

Калит сўзлар: Туркистон генерал-губернаторлиги, қишлоқ, казаклар, чоризм, аҳоли, метрополия, рус крестьянлар, Муваққат Низом, ҳарбий маъмурият.

Умирилло Мамадиёрович Артыков,
Преподаватель по истории академического лицея
Самаркандский государственный университет иностранных языков

РАСПОЛОЖЕНИЕ И ЖИЗНЬ НАСЕЛЕНИЯ, ПЕРЕМЕЩЕННОГО ИЗ МЕГАПОЛИТА В РАЙОН СЕМИРЕЧЬЯ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется колониальная политика царской России и администрации Туркестана как пример политики переселения русского населения в страну. Хотя политическая и социальная ситуация в стране в изучаемый период была крайне сложной, колониальная политика основывалась на том, что местные экономические возможности все активнее служили интересам России, служили дальнейшему укреплению господства империи. Было подчеркнуто, что в результате переселения русского населения в страну в экономике Туркестана, а также в налоговой системе произошли серьезные изменения. Вся информация, использованная в данной статье, рассматривается как исторические факты, и используются термины, относящиеся к истории этого периода, которые используются во многих литературных об этом периоде.

Ключевые слова: Туркестанское генерал-губернаторство, Селена, казачество, царизм, поселенье, метрополия, Временное положение русских христиан, военная администрация.

Umirillo M.Artikov,
History teacher at the academic lyceum
Samarkand State University of Foreign Languages

LOCATION AND LIVING OF THE POPULATION REMOVED FROM THE METROPOLITAN TO ETTISUV REGION

ABSTRACT

The article analyzes the colonial policy of Tsarist Russia and the administration of Turkestan as an example of the policy of resettlement of the Russian population in the country. Although the political and social situation in the country during the period under study was extremely difficult, colonial policy was based on the fact that local economic opportunities increasingly served the interests of Russia and served to further strengthen the dominance of the empire. . It was emphasized that as a result of the resettlement of the Russian population to the country, serious changes occurred in the economy of Turkestan, as well as in the tax system. All information used in this article is considered to be historical facts and terms related to the history of this period are used, which are used in many literatures about this period.

Index Terms: Turkestan General Government, Selen, Cossacks, tsarism, settlement, metropolis, Temporary situation of Russian Christians, military administration.

1. Долзарблиги:

Туркистон ўлкасида мустамлакачи тизимни мустаҳкамлаш, табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан метрополия манфаатларида мумкин қадар фаолроқ фойдаланиш чор Россиясининг аҳолини кўчириш сиёсатида яққол намоён бўлди. Бу эса Туркистон халқлари рискини ҳам энидан, ҳам бўйидан қирқиш режасининг яна бир босқичи эди. Кўчиб келганларнинг 36,6 фоизи мол – мулксиз, 61 фоизи эса мутлақо пулсиз бўлиб, маҳаллий аҳолидан тортиб олинган унумдор ерлар берилгач, улар аста – секин ўзларини моддий жиҳатдан тиклаб боришди. Масалан, Еттисув аҳолиси қозоқ ва қирғизлар бўлиб, улардан кўчириб келинганлар фойдасига 2 млн десятина ер тортиб олинди. Бу ерда миллий муносабатлар кескинлаша бошлади. Еттисувда казаклар 30.000 кишидан ортиқ бўлиб, уларнинг қўлида 610.000 десятинадан ортиқ ер бор эди. Казаклар тортиб олиб ерларининг катта қисмини қозоқ ва қирғизларга ижара берар, уларни аёвсиз эксплуатация қилар эди. Чор Россияси Туркистон халқларини очикдан-очик талаш уларнинг иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилиш бу ерда феодал муносабатларини сақлаб қолишга уринди. Мавзунинг ўрганилиши чор Россиясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати моҳиятини ёритиб беришда долзарб аҳамият касб этади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, илмийлик, қиёсий таҳлил, ҳолислик тамойиллари асосида ёритилган. Ушбу мавзу мазмун-моҳияти юзасидан кўплаб статистик маълумотлар П.Г. Галузонинг “Туркестан – колония”, А.Гинзбургнинг “Русское население в Туркестане”, А.П. Фомченконинг “Русские поселения в Туркестанском крае”, К.К. Пален “Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане”, Н. Турчаниновнинг “Итоги переселенческого движения за время с 1896 по 1909 год”, К.Е. Бендриковнинг “Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы)” номли асарларида келтирилган. Бироқ мазкур асарларда мавзу моҳиятини танқидий таҳлил этиш лозим, чунки уларда чор Россиясининг мустамлака сиёсати ўз ифодасини топган. Шунингдек, мақолани ёзишда Республика архив материалларидан ҳам фойдаланилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Туркистон области тузилганига (1865 йил 2 март) қадар Оренбург ва Ғарбий Сибир генерал-губернаторликларнинг чегараларидан тортиб то Тошкент воҳасигача бўлган шаҳарларга, ҳарбий истехкомлар атрофига Россиядан аҳоли кўчиб кела бошлаган эди. Урал, Ғарбий Сибирдан кўчирилган казаклар эса Еттисувнинг ва Иссиқкўлнинг Хитой билан бўлган чегараларига яқин ҳудудларда жойлаштирилди.

Табиийки, рус кўшинлари кетидан келганлар ҳарбий маъмурият жуда яхши имкониятларга ва катта имтиёзларга эга бўлишди. Масалан, 1865-1868 йилларда Туркистонга кўчиб келган рус крестьянларнинг ҳар бир оиласи 100 десятинагача (109 гектар) деҳқончиликка яроқли ерга ва кенг яйловларга эга бўлди ҳам барча тўловлардан озод этилган эди[1].

Ўлкада мустамлакачи тизимни мустаҳкамлаш, табиий ва ишлаб чиқариш ресурсларидан метрополия манфаатларида мумкин қадар фаолроқ фойдаланиш, собиқ улуғрус мафкурасини барқарорлаштириш рус, умуман, насроний аҳолини кўплаб кўчириш зарурияти асосланди. Астрахан, Воронеж, Саратов, Самара-Оренбург, Харьков губернияларида иқтисодий, ижтимоий аҳвол ниҳоятда оғирлашгани сабабли рус, украин ва немис крестьянларга Туркистонга кўчиш борасида ташкилий ва моддий ёрдам берилди.

Албатта, чоризм ва мустамлака маъмурияти ўлкага хўжалик жиҳатидан бақувват крестьянлар кўчишини ҳоҳлаган эдилар. Бироқ етмишинчи ва ундан кейинги йилларда ташкилий тарзда кўчиртирилган крестьянлар орасида, айниқса, ўзбошимчалик билан кўчиб келганлар орасида бундайлари жуда озчиликни ташкил этишган.

Шуни ҳисобга олиб, империя ҳукмрон маҳкамалари Туркистонга кўчиб бораётган православ эътиқодига мансуб аҳолига мумкин қадар кўпроқ кўмаклашишга ҳаракат қилишди. Бу борада ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган, яъни Туркистонда яшашни хоҳлаган солдат ва зобитлар устивор эътиборга сазовор бўлишгани табиийдир.

Шу билан бирга, Туркистонни мустамлакага айлантиришнинг биринчи босқичида, аҳолини кўчириш жараёни, бир қараганда, анча тартибсиз, стихияли бўлганидек кўринса-да, Россиянинг ҳукмрон доиралари, биринчидан, бу ерга Қрим, Кавказorti, Волгабўйи мусулмон аҳолиси кўчиб келмаслигини; иккинчидан, чегара ҳудудларга, рус гарнизонлари яқинига ҳам магистрал йўллар бўйига жойлаштирилаётган казаклар ва рус деҳқонларининг ҳар бир оиласига ўрта ҳисобда 10-15 десятинадан экинбоп ер берилишини, улар пул ўлпонлари ва турли мажбуриятлардан озод этилишини, лекин зарур бўлиб қолганида ўз ораларидан муайян миқдорда қуролли одамларни беришларини; учинчидан, мустамлакачи маъмурият бугдой экишга яроқли ерларни олдиндан экспроприация қилишарди ёки ажратиб олиб, уларни бир қатор имтиёзлар билан кўчириб келтирилган руслар ихтиёрига берилишларини қаттиқ назорат қилишар эди.

Чоризм кўчириш сиёсатининг улуғ рус мезонлари шунда ҳам намоён бўлганки, турли йилларда Туркистонга мажбурий кўчирилган немислар, христиан айирмачилари (раскольниклари) солиқ-ўлпон тўлашдаги кўплаб енгилликлардан ва ҳайдалма ер билан таъминлашдаги имтиёзлардан ҳам маҳрум эдилар.

XIX асрнинг 60-чи йилларидан кейин империя ҳукмрон доираларида метрополиядан кўчирилганлар ер билан таъминланган ва яна юз минглаб кўчирилганлар оладиган ерларни хусусий мулк қилиб бериш тўғрисидаги масала анча узоқ вақт қизгин муҳокама қилинганди. Лекин Еттисув, Сирдарё областларини бошқариш тўғрисидаги 1867 йил 11 июлдаги Низом лойиҳасида аграр муносабатлар борасидаги масала унча ёритилмагани, биринчи генерал-губернатор К.П.Кауфманга эса «мазкур Низом лойиҳасида кўрсатилган асослар қўлланиб, унда ўлка тузуми учун фойдали ва зарур деб эътироф этилган барча чора-тадбирларни кўриш» ҳуқуқи берилгани сабабли[2] ер мулки тўғрисидаги масала деярли 15 йил давомида генерал-губернаторнинг кўрсатма характеридаги фармойишларига мувофиқ, лекин кўпинча анча эркин-рус амалдорлари ихтиёрича ҳал қилиб келинди. Бу кўпроқ казаклар ва рус крестьянларини Еттисувда, Сирдарё областининг Чимкент, Авлиёота уездларидаги суғорма минтақада жойлаштириш ҳам ер билан таъминлаш амалиётига хос эди-ки, бу ерда туб аҳоли дашт ва тоғлик районларга зўрлик билан суриб чиқарилиб, уларнинг ҳатто яйлов ерлари ҳам

тортиб олинадди. Айни маҳалда, биринчи генерал-губернатор кўчириб келтирилган русларга ерларни сотиб олишга махсус фармойиш билан рухсат берди. Бундай ҳолат туб аҳолига нисбатан зўравонлик қилиш учун ката имкониятлар яратиб бергани тушунарли, албатта. Кауфман ҳам, кўплаб бошқа юқори мартабали мустамлакачи малдорлар, рус армияси зобитлари ҳам тезда йирик заминдорларга айланиб қолганликлари тасодифий эмасди[3].

Мустамлакачи маъмурият ҳарбий-полиция режими ўрнатилганидан бошлаб туб аҳоли ҳуқуқларини, деярли барча манфаатларини ошкора инкор этиб, поймол қилиб келди, кўчириб келтирилган русларни Туркистон шаҳарларида, айниқса, қишлоқ жойларида қишлоқ аҳолисини сиқиштириш, унинг ер мулкани талон-тарож қилиш эвазига имкони борида дурустроқ жойлаштиришга интилди. 1886 йил 12 июнда қабул қилинган «...Низом»да Туркистоннинг туб аҳолисига нисбатан қўйилган талаблар асло бўшаштирилмаган, аксинча, деҳқонлар ва кўчманчилар тасарруфида қолдирилган ерга солинадиган солиқ оширилган ва ҳар бир ўтовдан олинадиган солиқ жорий этилганди. «...Низом»да Туркистонда фақат руслар махсус васиқа билан мустаҳкамлаб, туб миллатлар аҳолиси учун эса «одатий равишда»[4] ер сотиб олиш тартиби белгиланган эди. Кўчманчилар эса ерни фақат ижарага бериш ҳуқуқига эга эдилар.

Биринчи расмий «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом»нинг мазмунидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш мумкинки, гарчи ўлкани мустамлака қилишнинг асосий мезонлари, шу жумладан, кўчириб келтирилган русларни кўплаб жойлаштириш йўли билан мустамлакага айлантириш 1881 йил 10 июндагина «Деҳқонларни бўш давлат ерларига кўчириш тўғрисида муваққат қоидалар»да қисман таърифланган бўлса-да, чоризм ва Туркистоннинг, Дашт генерал-губернаторликларнинг маъмурияти барча соҳаларда айни буюкдавлатчилик-шовинистик ва мустамлакачилик мақсадларига риоя қилишган ҳам шунга мувофиқ ҳарбий, маъмурий ва ижтимоий-иқтисодий чораларни амалга оширишган.

Улар орасидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш даркор:

- фақат православ динидаги русларни эмас, балки раскольникларни ҳам (ички ишлар вазирлигининг рухсати билан) кўчиришга йўл қўйилди;

- Россиядан кўчирилганлар учун кўзда тутилган имтиёзлар ва енгилликлар Туркистон ҳарбий округидан захирага чиқарилган, православ қуйи амалдорларга ҳам тааллуқли қилиб қўйилди;

- кўчириб келтирилганлар дастлабки 5 йил ичида ҳар қандай ўлпондан тўлиқ, кейинги 3 йилда эса ярмига озод қилинди;

- кўчириб келтирилганлардан 15 ёшдан катта бўлганлари ҳарбий мажбуриятдан озод этилди[5].

Бу қоидаларда ушбу мустамлакаларга мулкӣ ва хўжалик жиҳатдан таъминланган насроний деҳқонларни ҳам кўчириш назарда тутилганди[6]. Натижада Россиядан кўчириб келтирилганларнинг Туркистон ва Дашт ўлканинг фақат кўчманчи эмас, балки туб ўтроқ аҳолисига нисбатан ҳам ошкора мустамлакачилик бедодлиги чексиз кучайиб кетди.

Шу тариқа чоризм ва Туркистон маъмурияти XIX асрнинг 90-йилларигача ўлканинг барча йирик, ўртача шаҳарларида, Афғонистон, Эрон ва Хитой билан чегаралар яқинида ҳарбий гарнизонларни, казакларнинг станицаларини ташкил қилибгина қолмасдан, балки насроний эътиқодга мансуб рус, украин, белорус крестьянларни кўчириш ишини кенг кўламда йўлга қўйди. Энг кўп рус аҳоли Еттисув областида (75 минг киши) ва Сирдарё областида (38 минг киши) жойлашган эди[7].

Кўчирувчилик ҳаракатининг асосий йўналишлари 60-80-йилларда Еттисув областига қаратилган бўлса-да, Метрополиядан кўчиб келган аҳолини, биринчи навбатда турли чоратадбирлар орқали туб аҳолига нисбатан сиёсий, ижтимоий, хўжалик устунлигини таъминлаши керак эди, умуман, бу мақсадга тўлиқ эришилди, деб хулоса чиқариш мумкин.

Илиқ иқлимга, жуда кўп бойликларга, ҳосилдор ерларга эга Туркистон ҳақидаги хабар Россияда илгари ҳам кенг тарқалган бўлиб, бу ўлкага кўплаб савдогарлар, саноатчилар, қашшоқ ишчилар, крестьянлар кўчиб келишига хизмат қилди. Чоризм томонидан кўчирувчилик масаласи бўйича илк бор 1881 йилда ва кейин 1883, 1886, 1889 йилларда қабул

қилинган махсус қонун-қоидаларда Туркистонга рус аҳолини кўчиш ҳаракатини кенгайтирди. Шу сабабли, масалан, Еттисув областида биргина 1883 йилда 36 рус посёлкалари тузилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Еттисув вилояти дастлаб Дашт генерал-губернаторлиги таркибида бўлган кейинчалик Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига ўтган.

Россиядан кўчиб келган казакларни, рус крестьянларни таъминлаш мақсадида XX аср бошларигача маҳаллий аҳолидан Еттисув областида 752197, Сирдарё областида 159561, Фарғона областида 9925, Самарқанд областида 22907, Каспийорти областида 10318 десятина ер тортиб олинди[8].

Шунингдек, Туркистонда россиялик тадбиркорлар фаолиятини рағбатлантирувчи турли имтиёзлар, рус ишчиларининг меҳнат ҳақининг маҳаллий ишчиларникидан 2-3 баробар ортиқлиги рус аҳолининг турмуш даражасини туб аҳолиникидан анча юқори бўлишига олиб келди. Россиядан кўчиб келиб 2-3 йил мобайнида қўним топмасдан, тўғри келган ишга ёлланиб, зўрға кун кечирганлар ҳам бўлган. Масалан, рус аҳолини кўчириш билан шуғулланувчи бошқарма мудир Туркистон генерал-губернаторининг девонига ёзганидек, “ўлкада ер олишга даъвогарлар орасида илгари кўчиб келган ерсизлар кўп. Уларнинг орасида уруш қатнашчилари ва Туркистон Ҳарбий округининг заҳирадаги солдатлари ҳам бор”[9]. Лекин маъмурият ҳар қандай чоралар билан уларни ҳам жойлаштириш, барча имкониятларни яратиб бериши уйдасидан чиққан.

Туркистон областлари орасида туб аҳолининг сонига нисбатан рус аҳолининг салмоғи 1897 йил Еттисув областида 9,66 фоизни (95465 киши) ташкил этган[10]. Андижон қўзғолонидан кейин 2 йил мобайнида Фарғона областига деярли 4 минг рус крестьянлари кўчириб келтирилди[11].

Туркистонда эса Россиядан биринчи даврларда кўчиб келган казаклар, русий забон аҳоли анча вақт мобайнида фарзандларини ўқитиш, мактабларни ташкил қилиши масалаларига умуман эътибор бермаган. Фақат, 1852-1858 йилларда айрим жойларда (Перовск, Казалинск, Сергиополь (Аягоз), Лепинск, Копал) православ руҳонийлари томонидан 2-3 йиллик ўқув ташкил қилинган эди[12].

Россия қўшинлари Туркистон ҳудудларини босиб олиш борасидаёқ бу ҳудудларга, айниқса, Хитой, Эрон, кейинчалик Афғонистон билан чегарадош бўлган жойларга казаклар, крестьянлар кела бошлаган. Уларни жойлаштириш учун жуда яхши шароитлар яратилган эди.

4.Хулосалар:

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Чоризм ва Туркистон маъмурияти ўлкадаги сиёсий, ижтимоий аҳволни ўзига хос тарзда ҳисобга олган ҳолда, мустамлака бойликларини бу минтақада Россиянинг манфаатларига янада кўпроқ ва фаолроқ хизмат қилдириш, империянинг ҳукмронлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида метрополиядан биринчи навбатда рус аҳолини кўчириш натижасида Туркистон иқтисодиётида, шунингдек, солиқ тизимида жиддий ўзгаришларни амалга оширишди.

Бу билан ҳам кифояланмасдан чоризм XX асрнинг арафасидаёқ, хусусан, Андижон қўзғолонидан кейин, Туркистонга ва Дашт ўлкасига рус аҳолини кўчириш сиёсатини авж олдиришга киришди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. ЎзР МА, И-1-жамғарма, 202-рўйхат, 16-иш, 1-варақ, 206-иш, 4 варақ (UzR NA, Fund I-1, list 202, case 16, sheet 1, case 206, sheet 4)
2. ЎзР МА., И.-1-жамғарма, 25-рўйхат, 26-иш, 4-5-варақлар (2. UzR NA., I.-1-fund, list 25, case 26, sheets 4-5.3. Galuzo P.G. Turkestan - a colony, - P. 78.).
3. Галузо П.Г. Туркестан – колония, - С. 78 (Galuzo P.G. Turkestan - a colony, - P. 78.).

4. Положение об управлении Туркестанским краем. 12 июня 1886 года. – Спб., 1886, - С. 9-бет. (4. Regulations on the management of the Turkestan region. June 12, 1886. – St. Petersburg, 1886, - P. 9-bet.)
5. Гинзбург А. Русское население в Туркестане, - С. 35. (Ginzburg A. Russian population in Turkestan, - P. 35)
6. Гинзбург А.И. Русское население в Туркестане, - С. 35. (Ginzburg A. Russian population in Turkestan, - P. 35.)
7. Фомченко А.П. Русские поселения в Туркестанском крае, - С. 46-бет (Fomchenko A.P. Russian settlements in the Turkestan region, - P. 46-bet)
8. Пален К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестана. Ч.II. – СПб., 1911. (жадваллар) (Palen K.K. Materials for the characteristics of the national economy in Turkestan. Part II. – St. Petersburg, 1911. (jadvallar))
9. ЎзР МА, И –16-жамғарма, 1-рўйхат, 574-иш, 85 варақ9. (UzR NA, I-16 fund, list 1, case 574, page 85)
10. 10.ЎзР МА, И-1-жамғарма, 9-рўйхат, 769-иш, 81-88 варақ лар. (UzR NA, Fund I-1, list 9, case 769, pages 81-88).
11. Турчанинов Н. Итоги переселенческого движения за время с 1896 по 1909 год. – СПб, 1910, - С. 3. (Turchaninov N. Results of the resettlement movement from 1896 to 1909. – St. Petersburg, 1910, - P. 3).
12. Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924 годы), - С. 109. (Bendrikov K.E. Essays on the history of public education in Turkestan (1865-1924), - P. 109).

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 11 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 6, НОМЕР 11

LOOK TO THE PAST
VOLUME 6, ISSUE 11

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000